

Ю. СКАЙЛERNИНГ “ТУРКИСТОН: РУС ТУРКИСТОНИ, ҚҮҚОН, БУХОРО ВА ҒҮЛЖАГА САЁХАТ ҚАЙДЛАРИ” АСАРИНИНГ МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДА ЎРГАНИЛИШИ

Бахром Давронов

ЎзМУ тарих факультети I курс магистранти

Ўзбекистон халқлари тарихини ҳаққоний ёритишда чет тиллардаги манбалар ва илмий адабиётларни ўрганиш республикамиз тарихчи олимлари олдида турган долзарб вазифалардан биридир. Ана шундай хорижий манбалардан бири – 1873 йилда Туркистон ўлкасига ташриф буюрган АҚШнинг Санкт-Петербургдаги консули Южин Скайлернинг ўз саёхати натижалари асосида илк бор 1876 йилда Лондонда чоп эттирган “Туркистон: Рус Туркистони, Қўқон, Бухоро ва Ғўлжага саёҳат қайдлари” қисқача (“Туркистон”) номли икки жилдли асаридир.

Ю. Скайлернинг саккиз ой давом этган ушбу саёхати тўлиқ акс эттирилган асар йўл хотиралари тарзида ёзилган бўлиб, тарихий-географик хусусиятга эга. Унинг биринчи жилдидаги Даҳт, Сирдарё, Тошкент, Тошкентда мусулмонлар турмуш тарзи, бозорлар ва савдо-сотиқ масалалари, Самарқанд, Зарафшон водийси, Хўжанд ва Қурама деб номланган бўлимлар ўрин олди. Ушбу жилдга илова тарзида Қўқон хонлигининг сўнгги даврдаги тарихий лавҳалари, Вамберининг “Бухоро тарихи” асарига профессор В. Григорьевнинг берган тақризи, Ўрта Осиёда бўлган ўрта аср сайёҳлари ҳақидаги маълумотлар киритилди.

Китобнинг иккинчи жилди Қўқон, Бухоро, Иссиққўл ва Еттисув (Семиречья), Ғўлжадаги таассуротлар, Россия маъмуриятининг Осиёдаги ташқи сиёсати, Хивага қарши юриш ва унинг истилоси қисмлари ҳамда хulosадан иборат. Иккинчи жилднинг сўнггиға ҳам илова берилган.

Совет даври тарихшунослигига хорижий сайёҳ ва тадқиқотчиларнинг асарларига маълум маънода мурожаат этилиб, илмий таҳлил этилганлигига қарамасдан, Ю. Скайлер саёҳатномаси акс этган икки жилдли китоб ҳакида деярли эслатилмаган. Бу ҳар ҳолда унинг саёхати

ўлкада Россия империясининг ҳарбий ҳаракатлари фаол давом этаётган, минтақа халқларининг бу даврдаги турмуш тарзи, ўлкадаги ижтимоий-сиёсий вазият, империя маъмуриятининг ҳарбий ҳаракатлари асарда ҳаққоний, батафсил ёритилганлиги билан боғлиқ бўлса керак.

Мазкур нодир манба хорижда бир неча маротаба қайта чоп этилган. Қайд этиш лозим, мазкур манбанинг айнан 1876 йилда Лондонда чоп этилган ҳар иккала жилди Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасининг “Нодир манба ва нашрлар” бўлимида сақланаётган бўлсада, бу асар аксарият маҳаллий манбашунос ва тарихшуносларнинг диккат-эътиборидан четда қолган эди.

Аммо мустақиллик йилларида ушбу асарга бўлган муносабат ўзгарди. Хусусан, тарихчи З.А. Сайдбобоев томонидан асарни илмий жиҳатдан ўрганиш ва уни илмий муомалага киритиш ишлари олиб борилди. Муаллиф томонидан мазкур асарнинг таржимаси устида иш олиб борилди, унинг алоҳида қисмлари бўйича бир неча мақола ва маъruzalар тайёрланди¹.

Шунингдек, тадқиқотчининг номзодлик диссертациясида Ю. Скайлернинг саёҳат қайдлари ва ўтган йўллари бўйича йўналиш картаси қисқача таҳлил этилган².

Алоҳида қайд этиш лозимки, ушбу асарнинг ҳар иккала жилдидан ўрин олган баъзи қисмлари қисқартирилган ҳолда З.А. Сайдбобоев таржимаси ва таҳрири остида ўзбек тилида илк бор илмий жамоатчиликка оммасига “Ўзбекистон тарихи” журналининг 2014 йил 1 – 4 сонлари ва 2015 йил 1-сонида нашр этилди.

¹ Сайдбобоев З.А. Южен Скайлернинг “Туркистон” асарида Кўкон хонлигининг тасвирланиши // Тарих ва тақдир: Фарғона водийси тарихини тадқиқ этиш муаммолари. Республика илмий-амалий анжумани материаллари. 2-китоб. Наманган, 2000. 25-26-бетлар; Ўша муаллиф. Америкалик дипломат Е. Скайлернинг Китоб – Шахрисабз тарихига оид маълумотлари (XIX асрнинг 70-йиллари) // Шахрисабз шаҳрининг жаҳон тарихида тутган ўрни. Халқаро илмий конференция маъruzalар тезислари. Тошкент, 2002. 27-28-бетлар; Ўша муаллиф. Тошкентда мусулмон ҳаёти (Е. Скайлернинг “Туркистон: Рус Туркистони, Кўкон, Бухоро ва Фўлжага саёҳат қайдлари” асари. Сўзбоши, таржима ва изоҳлар) // “Имом ал-Бухорий сабоклари”. 2003, № 4. 215-217-бетлар; Ўша муаллиф. Тошкент гарблик дипломат нигоҳида // Ўзбекистон пойтахти Тошкент 2200 ёшда. Халқаро илмий конференция материаллари. Тошкент, 2009. 242-246-бетлар; Ўша муаллиф. Евгений Скайлернинг Ўрта Осиёга саёҳати (1873 йил) // Тарих фани Марказий Осиё интеллектуал ривожи контекстида. Тарихшунослик ва манбашунослик очерклари. Тошкент.: “Yangi nashr”, 2014. 273-277-бетлар.

² Сайдбобоев З.А. Европада Ўрта Осиёга оид тарихий-картографик маълумотлар (XVI – XIX асрлар).: Тарих фан. номзоди дис... Тошкент, 2004.

Мамлакатимиз тарихи нафақат маҳаллий, балки хорижий манбалар асосида ўрганиш борасида кўплаб ишлар олиб борилаётган бир даврда Ю. Скайлер саёҳатномаси акс этган жилдли асарни таржима қилиш ва изоҳлари билан нашр эттириш мақсаддага мувофиқлигини таъкидлаш мумкин.